



MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-Dekabr 2021
Ma'qullandi: 25-Dekabr 2021
Chop etildi: 30-Dekabr 2021

KALIT SO'ZLAR

миллий хавфсизлик,
миллий-маънавий
хавфсизлик, хавфсизлик
стратегияси, тарихий
онг, маънавий
хавфсизликни
таъминлаш
концепцияси

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепцияси илк бор Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан асослаб берилган бўлиб, шу асосда Миллий хавфсизлик концепцияси ишлаб чиқилди. "Хавфсизлик тушунчаси - деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов, - фақат ҳарбий соҳа билангина чегараланиб қолмаслиги барчага маълум. Кейинги пайтда хавфсизликнинг сиёсий, иқтисодий,

¹Каримов И.А. Минтақада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун / Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 35.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИК СТРАТЕГИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРНИ ҚўЛЛАШНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

Ж.М.Мирахмедов¹

¹ҚДПИ ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5813096>

ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада миллий-маънавий хавфсизлик стратегияси ва тарихий онгни юксалтиришнинг ижтимоий-маданий омиллари таҳлил қилинган. Шунингдек, миллий-маънавий хавфсизлик стратегиясини ривожлантириш моделлари ва уларни қўллашнинг тарихий аҳамияти ёритилган.

инсонпарварлик ва бошқа белгиларини ўз ичига оладиган ҳарбий бўлмаган жиҳатларини англаш анча кўпайди. Давр хавфсизликнинг яхлитлигини ҳамда энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган иш сифатида уни таъминлаш воситалари муаммосини шакллантиради¹.

Мамлакатимизга глобаллашув жараёни туфайли бозор иқтисодиёти чет эл сармоялари, инвестиция, замонавий техника ва технология бозорини шакллантириш усуллари билан бир



қаторда мамлакатимизга хорижнинг маданияти, турмуш тарзи, дунёқараши ва тасавурлари ҳам олиб кирмоқда. Глобал маънавий ва мафкуравий таҳдидларнинг хавfli жиҳати шундан иборатки, уларнинг мамлакатимизга кириб келишидаги йўлларнинг деярли очиқлиги, жамиятимизда мафкуравий иммунитетнинг тўлиқ шаклланмаганлиги билан изоҳланади. Ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиб бораётганлиги, йўлдош алоқаларининг катта имкониятлари мазкур муаммоларни янада чигаллашига олиб боришига, хавф-хатарларнинг ошишига олиб келмоқда.

Шу боисдан, тадқиқотимизнинг асосий мақсади ҳам бугунги глобал маънавий-мафкуравий ташқи ва ички таҳдидлар тобора кескинлашиб бораётганлиги сабабли уларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича “Жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлаш концепцияси”ни ишлаб чиқиш ҳаётий заруриятдир. Ўзбекистонда маънавий хавфсизликни таъминлаш – давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, келажакка ишонч билан қадам қўйиш, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги муҳим шартлардан биридир. Давлатимизда маънавий хавфсизликни таъминлаш каби муҳим масалага нафақат давлат бошқарув ва хавфсизлик органлари, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам диққат-эътиборини қаратмоқ керак. Жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, оилалар бу жараёнда фаол иштирок этишлари зарур. Таълим муассасалари маънан бой, дунёқараши кенг, соғлом

фикрлай оладиган, Ватанга садоқатли, ҳақиқий инсон бўлиб етишадиган шахсни тарбиялашга бор куч имкониятларини сафарпарвар қилишлари муҳим аҳамият касб этади. Жамиятда юксак маънавий соғлом муҳитни шакллантириш, ўтмишга ҳурмат ва эътиборда бўлиш, шарқона миллий қадриятларни тиклаш ва янада ривожлантириш, ёшларда ватанпарварлик, миллий ғурур ва миллий ифтихорни ўстириш орқалигина жамиятимиз ўзининг маънавий хавфсизлигини таъминлай олади.

Шу сабабли Ўзбекистонда миллий маънавий хавфсизликни таъминлаш бўйича жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш зарур. Бугун мамлакатимизда барча ташкилотлар томонидан маънавий-маърифий соҳада ислохотлар, давлат дастурлари ижросини таъминлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Аммо бугун мазкур ишларни бир тизимга солиш ва мувофиқлаштириш, замон таҳдидларидан келиб чиққан ҳолда янгича ёндашишни талаб этмоқда. Жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлаш концепциясини яратиш зарурлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

- мамлакатимизда қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича [Харакатлар стратегиясида](#) белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда маънавийнинг бош омил эканлигини таъкидлаш лозим;



- Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик ва сиёсий барқарорликни таъминланиши, энг аввало, амалга ошириш зарур бўлган туб иқтисодий ислохотларни фаол ва изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилишида фуқароларнинг маънавий юксалиши муҳим аҳамият касб этади. Буни юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, аввало ёшлар тушуниб етиши, шу мамлакатнинг тинчлиги, тараққиёти, порлоқ келажаги учун жон куйдириши, қайғуриши керак бўлса, жонини фидо қилишини англай билиши ва шунга мувофиқ фаолият кўрсатиши лозим;

- жамият ҳаётини демократиллаштириш, мамлакатни модернизация қилиш жараёнини такомиллаштириш асосида фуқаролик жамиятини барпо этиш амалга оширилган экан, миллатнинг маънавияти, илғор қарашлари, миллий қадриятлари, одамларни жипслаштирувчи миллий анъаналари бу жараёнларга ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларига сингдирилиб борилиши лозим;

- Инсонлар, аввало ёшлар демократлаштириш шароитларида диний, дунёвий, миллий қадриятларимиздан воз кечмаслигини, аксинча маънавиятнинг асосини ташкил этадиган олийжаноблик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, имон, ҳалоллик, масъулият, адолат каби фазилатларни фаолиятимиз мезонига айлаштиришимиз зарурлигини тушуниши лозим;

- жамият аъзоларининг турли қатламларида ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим ва маданиятни юксалтириш усул

ва воситаларини имкони борича кўпроқ ишга солиш, маънавий ва ҳуқуқий муносабатларнинг ўзаро функционал мувофиқлигини изчил билан такомиллаштириб бориш лозим;

- бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бораётган мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда;

- дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш лозим;

- жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар - эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оилавийқадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим;

- миллий ғояни юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш зарур;



- ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафқуравий иммунитетни кучайтириш керак;

- маҳаллаларда уюлмаган ёшлар билан ишлаш, ушбу тоифани ижтимоий-иқтисодий фаоллаштиришда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим;

- халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳроқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш лозим;

- оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюлмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаки тарзда олиб борилаётгани сабабли жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тизимли тарғибот ишларини ташкил этиш лозим.

2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазибалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномасида “олдимизга қўйган улкан вазибаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур”²лиги таъкидланди. Жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлаш концепциясини яратиш зарурлиги аслида Президентимизнинг Мурожаатномасида белгилаб берилган вазибалар ижросидир. Концепцияни яратиш бўйича мамлакатимиз зиёли олимлари томонидан Ишчи гуруҳи тузилиши, концепция лойиҳаси яратилиши лозим.

“Барчамизга аёнки, ислоҳот – бу янгиланиш, ўзгариш дегани. Ислоҳотлар ижобий натижа бериши учун, аввало, раҳбарларимиз ва одамларимиз ўзгариши керак. Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради”³. Инсонларни ўзгариши учун бугун бу соҳадаги ишларимизни тизимли ва тартибли ташкил этишимиз зарур. Шу сабабли бугунги кунда жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлаш масалалари барча давлатларда ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги бежиз эмас. Мамлакатимизда жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги миллий хавфсизлик кенгаши таркибида алоҳида жамиятда маънавий

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://kun.uz/99444746>

³Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://kun.uz/99444746>



хавфсизлик соҳасидаги ишларни мувофиқлаштирувчи бўлинма ташкил этиш зарур. Бўлинма томонидан ушбу соҳадаги давлат сиёсати ижроси назорат қилиниб, ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишига эришилади.

Хуллас, республикада маънавий юксалишга эришиш орқали жамиятда

маънавий хавфсизликни таъминлашга эришилади. Шу тариқа мамлакатда дунёнинг энг ривожланган, демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин олишдек олий мақсадимиз – миллий стратегиямизга эришишнинг мустақам пойдевори яратилади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Т 11. – Т: Ўзбекистон, 2003. – Б. 3-51.
2. Каримов И.А. Минтақада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун / Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 35.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 116.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://kun.uz/99444746>